

## Тиббий хизмат кўрсатиш тўғрисида

### ШАРТНОМА № 1

“ 5 ” 01. 2022 йил

Жиззах шаҳри

Жиззах шаҳар тиббиёт Бирлашмаси (кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталади) номидан Низом асосида иш юритувчи Ш.Зулфикоров бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Республика Инкассация хизмати ДУК Жиззах вилоят бошқармаси (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталади) номидан ишончномага асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи М.З.Разиқов, иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида тузди.

#### 1.Шартнома предмети.

1.1.«Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг ходимларини кунлик тиббий кўриқдан ўтказиш учун малакали мутахассис ажратиб, «Буюртмачи» томонидан белгиланган жойда кунлик тиббий кўриқ ўтказиш мажбуриятини, «Буюртмачи» эса кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

#### 2.Шартнома баҳоси.

2.1. «Буюртмачи», «Бажарувчи» томонидан бажарилган иш, хизматлар учун тақдим этилган ҳисоб-фактура ҳамда бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномага асосан, хизмат ҳақини тўлаб беради.

2.2. «Буюртмачи», «Бажарувчи» томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура ҳамда бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани олган кундан 10 (ўн) иш кунидан кечиктирмаган ҳолда тўловни амалга оширади.

#### 3. Тўлов шартлари.

3.1.«Бажарувчи» кўрсатилган хизматлар учун ўтган ой давомида бажарилган ишларни ҳисоблаб, ҳисоб-фактурани ҳақ тўлаш учун «Буюртмачи»га тақдим этади.

3.2. «Буюртмачи» «Бажарувчи» томонидан тўлов талабномаси тақдим этилган кундан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни ичида кўрсатилган хизматлар ҳақини пул ўтказиш йўли билан тўлайди.

#### 4.Буюртмачининг мажбуриятлари.

4.1. «Бажарувчи»нинг вакилига ўз вазифаларини бажариши учун қулай шароит яратиб бериш.

- хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаш.

#### 5.Бажарувчининг мажбуриятлари.

5.1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2014 йил 19 февралда 2560-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2014 йил 17 январдаги 22, 1, 1-сон қарорига билан тасдиқланган “Йўналишга чиқиш олдидаан автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ҳамда йўловчилар, багаж ва юклар ташувларини амалга оширадиган ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш тартиби тўғрисида” ги НИЗОМ асосида ва «Буюртмачи»нинг ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш.

#### 6.Форс-мажор ҳолатлар.